



## ИНТЕРНЕТДАГИ ТАҲДИДЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг **5 млрд.дан зиёди** интернетдан фойдаланади. Уларнинг **4,65 млрд.нинг** ўз шахсий саҳифаси мавжуд. Интернет тармоғида **130 триллиондан ортиқ** саҳифа мавжуд. Охириги **12 ой ичида** ижтимоий тармоқларга **150 миллион** янги фойдаланувчи ижтимоий тармоқларга қўшилди.

Бугунги мураккаб даврда Интернетда фойдали маълумот билан бирга зарарли ахборот ҳам кенг тарқалмоқда. Айниқса, имон эътиқодга раҳна солувчи, дину диёнатга путур етказувчи ва инсонни залолатга бошлайдиган материаллар авж олмоқда.

## ИНТЕРНЕТ БУЗҒУНЧИЛАР МАКОНИГА АЙЛАНИШИНING АСОСИЙ САБАБЛАРИ

Интернетнинг тартибга солилмагани

Интернетга кириш осонлиги

Интернетдаги фаолиятнинг махфийлиги

Маълумотларни етказиш тезкорлиги

Ахборотларни жойлашдаги қулайликлар

Чексиз аудитория

Ҳозирги кунда ахборот уруши шиддат билан авж олмоқда. Ахборот уруши – турли мақсадларга эришиш учун рақибга ғоявий таъсир кўрсатишдир.

Манфаатдор кучлар ахборот хуружи қутилган натижани бериши учун ёлгон хабар тарқатиш босимини кучайтириб, интернетни ёлгон маълумотлар, сохта иддаоларга тўлдириш каби усуллардан фойдаланишади.

Афсуски, кўп ёшлар Исломи ниқоби остида олиб борилаётган бузғунчи ҳаракатларнинг қурбони бўлиб, дин душманлари қуролига айланиб қолмоқда. Улар нозик чегара чизигини англамай, шундай тарғиботларга учиб, ўз дини, диндошлари, халқи ва ўзи туғилиб ўсган Ватанига қарши исён қилишгача бориб етмоқда.

**Огоҳ бўлинг! Азиз ёшлар!** Дўстингиз, қўшнингиз, қариндошингиз юқоридаги каби адашиб, нотўғри ва бузук ақида соҳибларига қул бўлиб қолишида Сизнинг ҳам айбингиз борлигини инкор этманг! Чунки шу дўстингиз дарс қилиш ўрнига интернет-кафеда беҳуда ишлар билан ўтирган вақтида сиз фойдали ишлар билан банд бўлгансиз. Зеро, ҳадисда айтилишича, **“Ўзингизга раво кўрган яхши нарсани биродарингизга ҳам раво кўрмагунингизча комил мусулмон бўлмайсиз”**.

Ёш авлодни интернетдаги динни ниқоб қилган турли таҳдидлардан ҳимоялашда қуйидаги вазифаларни алоҳида таъкидлаймиз:

- Биринчиси, ғаразли мақсадини амалга оширишда ҳеч нарсдан тап тортмайдиган кимсаларнинг қилмишларига, ҳатто уларнинг Аллоҳ каломи ва ҳадиси шарифларни ҳам ўзининг эгри йўлларига мослаб талқин қилишдек қабих ишларига алданиб қолмаслик зарур.



- Иккинчиси, ёшларда турли хабарларни таҳлил эта олиш, моҳиятига етиш малакасини ҳосил қилиш. Зеро, ҳар қандай хабар ҳам тўғри ва ҳолис бўлавермайди. Ҳар бир маълумотни текшириш ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!”** (*Ҳужжурот сураси, 6-оят*).

- Учинчиси, дин душманларининг Исломи равақ ва юрт ободлигини ғаразли талқин этиб, ўзларининг ботил ақидаларини, пуч ғояларини турли сайтлар орқали жозибали қилиб кўрсатиш билан инсонларни гумроҳ қилиш пайида бўлаётганини чуқур англаш керак.

- Тўртинчиси, ёшларда ботил фикр ва таълимотларга қарши раддия бера олиш қобилиятини шакллантириш. Бунинг учун Аҳли сунна вал-жамоа ҳақлигини ва ҳанафийлик мўътадил мазҳаб эканини билиб олишлари лозим.

- Бешинчиси, **“оммавий маданият”** таҳдидларидан сақланиш. Бунда диний-миллий ўғитлардан фойдаланиш айтилган муддао. Жўмладан, Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий алайҳиссалом: **“Қиёмат куни мўминнинг тарозусида чиройли хулқдан кўра залворлироқ нарса бўлмайди. Албатта, Аллоҳ фақш ва жирканч сўзлар айтувчини ёмон кўради”**, – дедилар.

- Олтинчиси, интернет сайтлари орқали қарама-қаршиликларни юзага келтириш, кишилар орасига фитна-нифоқ солиш улкан гуноҳ эканини ҳар томонлама тушуниш керак. Инсонлар орасида қасдан зиддият ва низо чиқишига сабабчи бўлиш одам ўлдиришдан-да ёмон, катта гуноҳ эканини англаш лозим. Бу ҳақда Қуръони каримда: **“Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир...”** (*Бақара сураси, 191-оят*), – деб очиқ айтилган.

Огоҳ бўлинг!